IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: EX42925836

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QURILISH VA UY-JOY KOMMUNAL XO‘JALIGI VAZIRINING
BUYRUG‘I

2023 yil. “2” noyabr **358-son**

QR 06.02-23 “Tramvay yo‘llari” qurilish reglamentini tasdiqlash to‘g‘risida

O‘zbekiston Respublikasi Shaharsozlik kodeksi hamda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “Qurilish sohasiga oid talablarni soddalashtirish hamda texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlarni tizimlashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” 2022-yil 6-oktabrdagi 577-son qaroriga muvofiq

B U Y U R A M A N:

1. QR 06.02-23 “Tramvay yo‘llari” qurilish reglamenti ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. O‘zbekiston Respublikasi Qurilish vazirligining 1998-yil 30-sentabrdagi 64-son buyrug‘i bilan tasdiqlangan QMQ 3.06.02-97 “Tramvay yo‘llari” qurilish me’yorlari va qoidalari o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.

3. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Favqulodda vaziyatlar vazirligi, Transport vazirligi hamda Sog‘liqni saqlash vazirligi huzuridagi Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi qo‘mitasi bilan kelishilgan.

4. Ushbu buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Vazir **B.Zakirov**

EZR3847

Ўзбекистон Республикаси
қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазирининг
2023 йил 2-ноябрдаги
358-сон буйруғига
ИЛОВА

ҚР 06.02-23 "Трамвай йўллари" қурилиш регламенти

1-боб УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу қурилиш регламенти талабларига 1524 (1521) mm, 1435 mm ва 1000 mm ўлчовли оддий ва тезюрар трамвай йўлларини қуриш (реконструкция қилиш) бўйича ишларни олиб боришда ва қабул қилишда риоя қилиниши керак.

2. Трамвай йўлларининг қурилиши асосан ихтисослашган қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилиши керак. Бунда йўл ишларининг олиб борилиши узлуксизлиги ва мажмуавий механизацияланишни таъминланиши керак. Тупроқ кўтарма чегарасида жойлашган кўприк қурилишлари, қувурлар, тиркагич деворлари олдиндан бажарилиши керак

3. Трамвай йўлларини қурилиши учун геодезик бўлиб чиқиш асосини яратишда жойларда қуйидагилар маҳкамланган бўлиши керак:

a) трамвай йўлларининг ўқи бўйлаб режада бурилиш бурчаклари чўққисини ва айланма ҳамда ўтиш эгриликларнинг бош нуқталарини белгиловчи, шунингдек, йўлнинг тўғри қисмидаги табақа нуқталарини белгиловчи шаҳар ташқарисидаги йўллар учун камида 1 km масофада жойлашган ва шаҳар йўллари учун 500 m масофада жойлашган белгилар;

b) йўлларнинг йўналишлари бўйламаси бўйича шаҳар ташқарисидаги йўллар учун камида 1 km масофада ва шаҳар йўллари учун 500 m масофада жойлашган реперлар.

4. Трамвай йўллари лойиҳасини геодезик бўлиб чиқиш асоси пунктларидан қурилишга олиб чиқишда қуйидаги геодезик ишлар бажаралиши керак:

a) жойларда пикетлар, белгилар, мусбат нуқталар ва эгри қисмнинг оралиқ нуқталарини режалаштириш ҳамда маҳкамлаш;

b) зарурият бўлганда қўшимча реперлар ўрнатиш;

c) сув ўтказиш иншоотларини режалаш;

d) стрелкали ўтказгичларнинг марказини режалаш.

5. Йўл ишлари ҳудудида ҳаракатни ташкил этишда ҳаракатни ташкил қилиш бўйича вақтинчалик техник воситалари ва йўлнинг қатнов қисмида ишларни амалга ошириш жойларини тўсиб қўйиш ёрдамида амалга оширилади. Уларнинг тури, жойига, амалга оширилаётган ишларининг хусусиятига ва йўл шароитларига мувофиқ танланади.

6. Қуйидагилар йўлнинг қатнов қисмида, ишлар олиб бориладиган жойларда ҳаракатни ташкил этиш воситалари ҳисобланади:

- вақтинчалик йўл белгилари;

- қатнов қисмини вақтинча белгилаш;

- ёритиш;

- тўсиқ ва йўналтирувчи қурилмалар ва бошқа техник воситалар;

- йўл ҳаракати назоратчилари.

7. Йўл ишларини амалга оширишда худудларини тўсиш, транспорт ва пиёдалар ҳамда транспорт воситаларини хавфсиз ҳаракатини ташкил этишда қуйидагиларни қўллаш зарур:

- йўл белгилари;

- тўсиш қурилмалари;

- техник воситалар.

8. Йўл ҳаракатини ташкил этиш воситалари қуйидаги тартибда ўрнатилади:

- йўл белгилари;

- тўсувчи ва йўналтирувчи қурилмалар.

9. Ўрнатилган белгилар, тўсувчи ва йўналтирувчи қурилмалар тескари кетма-кетликда олиб ташланади

10. Амалдаги трамвай йўлларини қайта тиклаш, шунингдек, амалдаги йўлларга бирикувчи янгидан барпо этилаётган йўллар билан боғлиқ бўлган ишлар бўйича қурилиш-монтаж ишларини олиб бориш учун буюртмачи ушбу йўлларни ишга туширувчи ташкилотларнинг рухсатномасига эга бўлиши керак.

Трамвай йўлларини қуриш ишларини олиб бориш ва қабул қилиш бўйича талаб кўрсатилмаганлиги сабабли ушбу бан чиқариб ташланиши керак

11. Буюртмачи ҳокимиятлар билан шаҳар транспортининг умумий бўлагидаги кўча ва майдонларда олиб бориладиган йўл ишлари зонасида айланма йўллар ҳамда шаҳар транспорти ҳаракатини бошқа йўналишга ўтказиш ёки ҳаракатни тўхтатиш, йўлни айланиб ўтиш ва ҳаракатланишнинг бир йўлли участкаларини қуриш, транспорт ҳаракатини бошқа йўналишларга ўтказиш, шаҳар транспорт ҳаракатини чеклаш ёки ёпиш тартиби ва муддатлари ҳақида келишиб олиши керак.

12. Шаҳар транспорти ҳаракатини чеклаш ёки тўхтатиш шароитида амалга ошириладиган йўл ишлари худуди йўл ҳаракати қоидалари талабларига мувофиқ тўсилиши керак; бунда корхоналар ва биноларга ўт ўчириш ва санитария машиналари ҳамда шаҳар транспорти воситаларининг ўтиш имконияти таъминланиши лозим.

13. Тунда аҳои яшаш (селитеб) ҳудудларида йўл ишларини олиб боришда ишлаётган машина ва механизмларнинг ҳамда материалларни тушуришдаги шовқинни камайтириш бўйича чоралар кўрилиши керак.

14. Шаҳар ҳудудларида трамвай йўлларини қуриш ва реконструксия қилишда қурилиш конструксиялари, буюмлар ва материалларни асосан транспорт воситаларидан трамвай йўлга тўғридан-тўғри қўйиш керак. Автомобил йўлларининг мавжуд йўл қопламаларидан фойдаланишни истисно этиш шарти билан материалларни трасса ёнида сақлашга рухсат берилади.

15. Мавжуд травмай йўллари ва йўл қопламалари демонтаж қилинганда такрорий фойдаланиш учун яроқли йўл қурилиш ашёлари сараланиши ва келгусида фойдаланиш учун қулай жойларга ғарамлаб жойлаштирилиши керак; бунда шаҳар транспорти хавфсизлиги талаблари инобатга олиниши керак.

16. Электрлаштирилган транспортнинг туташув тармоқлари, электр таъминотининг ҳаво ва кабель линиялари, кучланишли ҳамда ёритиш электр тармоқлари, алоқанинг ҳаво ва кабель линиялари жойлашган минтақалардаги ишлар “Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари” ва “Истемолчилар электр

қурилмаларини эксплуатация қилиш хавфсизлик техникаси қоидалари” ҳамда “Электр қурилмаларининг тузилиш қоидалари”га риоя қилган ҳолда бажарилиши лозим.

Газ тармоқлари ўтказилаётган минтақалардаги ишларда газ хўжалиги хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш лозим.

17. Узунлиги бўйлаб йўл дренажини қуриш ишлари трамвай йўлларининг ер қатлами бўйича ишлар бошланишидан олдин амалга оширилади. Трамвай йўлларининг ер қатламлари, сувни чиқариб ташлаш қурилмалари, устки қурилмалари ва йўл қопламаларини қуриш да суст нуровчи тоғ жинсларидан олинган қояли тупроқлардан ташқари барча турдаги тупроқлардан барпо этиладиган кўтармаларни зичлаш шарт. Суст нуровчи тоғ жинсларидан олинган қояли кўтармаларининг устки қисмига шағалли материал қўллашни назарда тутиш даркор.

18. Енгил нурайдиган қояли тупроқли (аргиллитли, алевролитли, лойли қояли ва ҳ.к.), шунингдек йирик парчали тупроқлар, шу жумладан лой тўлдиргичли кўтармаларни зичлаш қуйидагилар орқали таъминланади:

дастлабки синов зичлаш асосида ўрнатиладиган, зичловчи машиналар юриб ўтишининг сонини белгилаш;

уюлаётган қатламларнинг қалинлигини ва алоҳида тошлар ўлчамини чегаралаш;

чўкиш эҳтимоли учун кўтарманинг лойиҳадаги баландлигига нисбатан 3% захира қолдириш.

19. Ер устки сувини йўл пойидан рельефнинг пастқам жойларига, шу жумладан сув ўтказгич иншоотларга қараб йўналтириш зарур.

20. Йўл пойининг тепалик ёнбағри тарафидан йўл билан кесишиб ўтадиган ҳар бир сув бўлмасидан бошлаб сув ўтказгич иншоотгача, ёки йўл пойидан сувни кўндаланг равишда четга чиқариш имкони бўлган жойгача ялпи бўйлама сувни четга йўналтириш назарда тутилиши шарт.

21. Мураккаб муҳандислик-геологик шароитлардаги участкалар доирасидага сувни четлатувчи қурилмаларини алоҳида тартибда лойиҳалаш лозим.

22. Йўл пойининг мустаҳкамлигини ва турғунлигини бузиши мумкин бўлган сизот сувлар ундан дренаж қурилмалари ёрдамида четлатилади.

23. Сизот сувларни пасайтириш, сузиб олиш ва четлатиш учун қурилмаларнинг турларини, уларнинг ўлчамларини ва жойлашувини гидрогеологик тадқиқот маълумотлари ҳамда оқимнинг йўналиши, хусусияти, сизот сувларининг жойлашган чуқурлигига, қатламдорлигига ва тупроқ турига, жой рельефига, йўл пойининг жойлашувига ва ўлчамларига боғлиқ тарзда ўтказилган техник-иқтисодий таққослама асосида белгиланади.

24. Контактли трамвай тармоғини қуриш бўйича қурилиш ишларига тўсқинлик қиладиган алоқа, электр узатиш линиялари ва бошқа иншоотларни кўчириш, шунингдек, станция йўлларини реконструкция қилиш ушбу ҳудудда контактли тармоғ қурилиши бошланишидан олдин амалга оширилиши керак

25. Котлован қазиш (ёки қозиқ пойдеворларини ўрнатиш), контактли трамвай тармоғи учун таянчларни ташиш ва ўрнатиш темир йўлда ёки "даладан" ишлайдиган механизмлар тўплами билан амалга оширилиши керак.

26. Контакт тармоғининг таянчларига котлованлар қазиш ёки қозиқ пойдеворларини қоқиш фақат лойиҳага мувофиқ таянчларни ўрнатиш жойлари белгилангандан кейин бошланишига рухсат берилади, бу далолатнома билан расмийлаштирилиши керак.

27. Таянчлар юкни маҳкамлаш мосламалари ёки махсус осма арқонлар (строп) ёрдамида кранлар томонидан туширилиши керак. Таянчларни осиш (строповка) унинг оғирлик марказидан таянч узунлигининг 0,3 қисми масофада жойлашган иккита жойда амалга оширилиши керак. Таянчларни юклаш ва туширишда силкинишлар, кўтарилиш,бурилиш ва тушириш пайтида зарбалар тақиқланади.

28. Таянчларни ўрнатишда йўлнинг ўқидан ёки йўлнинг четидан таянчнинг олд четигача бўлган масофани сақлаш ва таянчнинг чуқурли ва консолларни улаш учун ўрнатма қисмларнинг, шунингдек, сими чиқиш жойлари ва юк компенсатор блоклари учун тешикларнинг жойлашиши бўйича тўғрилигини таъминлаш керак.

29. Темир-бетон таянчни чуқурга ўрнатгандан сўнг ва темир йўлнинг ўқидан масофани тўғрилиги текширгандан сўнг, чуқурнинг бўшлиқларини 1 м гача тўлдириш орқали таянчни маҳкамлаш керак, сўнгра маҳкамлаш мосламаларини эчиб олиш керак.

30. Темир-бетон ишларини бажаришда қўлланиладиган қолипларни белгиланган тартибда тасдиқланган ишларни бажариш лойиҳасига мос тарзда тайёрлаш ва қўллаш лозим. Қолипда, ишларни бажариш лойиҳаларни жойлаштиришга, шунингдек қолипни ўрнатишда ишларни бажаришда иштирок қилмайдиган одамларнинг бўлишига рухсат берилмайди. Қолипларни тарқатиш (бетон муайян мустаҳкамликка эришганидан сўнг) ишлар ижрочиси рухсати билан, алоҳида масъулиятли (лойиҳа белгилаган рўйхат бўйича) конструкцияларни эса, бош муҳандис рухсати билан бажарилиши лозим. Қолипларни тарқатиш унинг элементларининг тушиб кетишини олдини олувчи тадбирларни кўриш билан бажарилиши лозим.

31. Ўзакни тайёрлаш ва ишлов бериш бунинг учун махсус ажратилган ва тегишлича жиҳозланган жойларда бажарилиши лозим. Ўзакни тайёрлаш ишларини бажараётганда, қуйидагиларни бажариш муҳимдир:

- ўзак ўрамларини очишга ва тўғрила мўлжалланган жойлар ўралиши лозим;

- ўзак стерженларини станокларда узунлиги 0,3 m дан кичик бўлакларга кесаётганда, уларнинг учиб кетишига йўл қўймайдиган мосламалар ишлатиш лозим;

- дастак ўлчамларидан катта бўлган ўзак стерженларига ишлов бераётганда ишчи ўрни тўсилиши, икки томонлама дастаклар ҳолида эса, бундан ташқари, дастакни ўртасидан баландлиги 1 m дан кам бўлмаган бўйлама металл сақлагич тур билан ажратилиши лозим;

- тайёрланган ўзакни шу мақсад учун мўлжалланган жойларга жойлаш лозим;

- кенглиги 1m дан кичик бўлган умумий ўтув жойларида ўзак стерженларнинг уч қисмларини шчитларбилан ёпиш лозим.

32. Кимёвий қўшимчалардан фойдаланган ҳолда бетон қоришмалар тайёрлашда ишловчилар териларининг қўйишини ва кўзларининг шикастланишини олдини олиш тадбирлари кўрилиши лозим.

33. Бетон узатгичларни йиғиш, бузиш ва таъмирлашга, шунингдек улардан сақланиб қолган бетонни (тиқинни) олиб ташлашга босимни атмосфера босимига туширилганидан кейингина рухсат берилади.

34. Бетон узатгичларни қисилган ҳаво билан тозалаш пайтида ушбу муолажаларни бевосита бажаришда банд бўлмаган ишчилар бетон узатгичдан камида 10 m нарига кетишлари лозим. Ҳар куни бетонни опалубкага жойлаш олдидан қутининг, қолипга жойлаш олдидан қутининг, қолипнинг ва аралаштириш воситаларининг ҳолати текширилиши лозим. Ошкор қилинган камчиликлар дарҳол бартараф қилиниши лозим. Бетон қоришмани титрама шоҳ билан жойлаш бошланиши олдидан титрама шоҳнинг барча қисмларининг ўзаро ҳамда ихота арқонига маҳкамланишининг созлиги ва

ишончлилиги текширилиши керак. Қовға ёки хампа воситасида бетон жойлашда қовға ёки хампанинг пастки қирраси билан олдин ётқизилган бетон ёки бетон ётқизиладиган сирт орасидаги масофа, агар ишларни бажариш лойиҳасида бошқа масофалар кўзда тутилмаган бўлса, 1 m дан ортиқ бўлмаслиги лозим. Бетон қоришмани электртитратгичлар воситасида зичлашда титратгични ток келтирувчи шланглар билан тортиб кўчиришга йўл қўйилмайди, ишдаги танаффусларда ҳамда бир жойдан бошқа жойга ўтишда электр титратгичларни узиб қўйиш лозим. Бетон қоришмани 20° дан ортиқ нишобликка эга бўлган сиртга қўяётганида ишчилар сақлагич белбоғлардан фойдаланишлари лозим. Бетон қоришмани автоўзитўккичлар воситасида узатишга мўлжалланган эскадалар тўқмоқ ғўлалар билан жиҳозланишлари лозим. Тўқмоқ ғўла билан тўсиқ орасида камида 0,6 m кенгликли ўтиш йўли қолдирилиши лозим. Бетонни электр қиздиришда электр ускунани йиғишни ва таъминловчи тармоққа улашни ҳавфсизлик техникаси бўйича III дан кам бўлмаган малака гуруҳига эга бўлган электрмонтерлар бажариши лозим. Электр қиздириш зонасида изоляцияланган қайишоқ кабеллардан ёки ҳимоя шлангидаги симлардан фойдаланиш лозим. Симларни грунт устига ёки қипиқлар устига ётқизишга, шунингдек изоляцияси бузилган симларни ётқизишга рухсат берилмайди. Бетонни электр қиздиришда электр қиздириш зонаси ҳимоя тўсиғига, ёруғлик даракчисига ҳамда ҳавфсизлик белгиларига эга бўлиши лозим. Даракчи лампалар шундай уланишлари лозимки, улар қўйиб қолганда кучланиш берилиши ҳам тўхтаб қолсин. Бетонни электр қиздириш зонаси бутун сутка давомида электр тармоқ монтажини бажарувчи электрмонтерлар назоратида бўлиши лозим. Ушбу участкаларда, ҳавфсизлик техникаси бўйича II дан паст бўлмаган малака гуруҳига эга бўлган ва тегишли ҳимоя воситаларидан фойдаланувчи шахслар томонидан бажарилувчи ишлардан ташқари, одамларнинг бўлишига ва уларнинг бирор ишларни бажаришига рухсат берилмайди. Темирбетон конструкцияларнинг участка билан боғланган, электр қиздирилаётган очиқ (бетонланмаган) ўзаги ерлантирилиши (нолланиши) лозим. Бетонни қиздиришда қўлланиладиган электр ускунани янги жойга ҳар бир кўчирилганидан сўнг, симларнинг изоляцияси, тўсиқларнинг ҳимоя воситалари ва ерлаш ҳолати кўздан ўтказилиши лозим.

35. Электрлаштирилган асбоб билан шуғулланувчи шахслар электр токининг одамга таъсирини тўхтатиш ва электр жароҳати олган тақдирда биринчи ёрдам кўрсатишнинг хавфсизлик усулларини билиши керак.

36. Юк кўтарувчи кранлардан фойдаланган ҳолда объектларни қуришда, белгиланган хавфли зоналарга одамлар, транспорт ёки пиёдалар йўллари (тротуарлар), қўшни бинолар тушиб қолган ҳолларда, қурилишни ташкил этиш лойиҳасида одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун эчимлар (чораларда) кўрсатилиши, шу жумладан:

- транспорт ва пиёдалар йўллари, шунингдек, биноларга кириш ва чиқишлар хавфли ҳудудлардан ташқарига чиқарилиши;

хавфли зонага тушадиган дераза ва эшикларини махсус мўлжалланган хавфсизлик тўсиқлари билан ҳимоя қилиш керак.

ташилаётган юклар тасодифий тушиб кетганда, конструкциялари одамлар хавфсизлигини таъминлай олмайдиган бинолар ва иншоотлардан қурилиш-монтаж ишлари даврида одамларни кўчириш (олиб ташлаш) ёки хавфли жойларда одамларнинг йўқлигини таъминлайдиган чора-тадбирларни амалга ошириш.

37. Одамлар мавжуд бўлган жойларда ҳавфли омилларнинг юзага келишини истисно қилувчи техник ечимлардан фойдаланилган шароитларда кўрсатилган бинолар ва иншоотлардан (одамларнинг бир вақтда катта тўплами мавжуд бўладиган болалар, даволаш ва ўқув муассасаларидан, театрлардан, кинотеатрлардан, клублар, стадионлар,

магазинлар ва бошқа жойлардан ташқари) ишларни одамларни кўчирмасдан бажаришга рухсат берилади.

38. Бегона шахсларни рухсатсиз киришини олдини олиш учун ушбу худудлар ҳимоя тўсиқлари билан тўсиб қўйилиши керак.

39. Тўсиқлар стандартлаштирилган элементлар, уланишлар ва маҳкамлаш қисмлари билан йиғиладиган бўлиши керак.

40. Тўсиқлар баландлиги белгиланган вазифаси бўйича қуйидагича бўлиши керак:

- қурилиш майдончаларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш (соябонли ва соябонсиз) – 2,0 м;

- қурилиш майдончаларини ҳимоя қилиш (соябонсиз) – 1,6 м;

- қурилиш майдончаларини ҳимоя қилиш (соябонли) – 2,0 м;

- иш жойларини ҳимоялаш тўсиқлари – 1,2 м.

41. Электрпайванд ишларни бажариш жойлари ҳимоя тўшамаси ёки ёнмайдиган материал билан ҳимояланган тўшама йўқлигида ёнувчи материаллардан камида 5 м радиусда, портлаш ҳавфи бўлган материаллар ва қурилмалардан (жумладан газ балонлари ва газгенераторлардан) эса, камида 10 м радусда тозаланиши лозим.

42. Ёй пайванд учун электр тутқичларга ва горелкаларга пайвандлаш токини узутиш учун пайвандлаш даврининг давомийлигини ҳисобга олган ҳолда максимал электрик юкламаларда ишончли ишлашга мўлжалланган изоляцияланган қайишоқ кабеллардан фойдаланиш лозим.

43. Ёмғир ёки қор ёғиши пайтида электр пайвандлаш ускуналари ва электр пайвандчининг иш жойида соябон бўлмаганда электр пайвандлаш ишларини бажаришга йўл қўйилмайди.

44. Очиқ ҳавода пайвандлашда ёнма-ён бир нечта пайвандчи ишлаганда ҳамда жадал ҳаракатланадиган жойларда пайвандчининг иш жойи камида 1,8 м баландликдаги ёнмайдиган экранлар (ширмалар, шчитлар) воситасида ажратилиши лозим.

45. Трамвай йўлларининг ва йўл чорраҳалари интеграсиясини таъминлашда 4 иловада кўрсатилган қоидаларга амал қилиниши керак

2-боб ТУПРОҚ КЎТАРМАЛАРИ ВА СУВ ЧЕТЛАТГИЧ ҚУРИЛМАЛАРИ.

46. Тупроқ ишларини бошлашдан олдин ер ости коммуникацияларининг иш зонасидаги жойлашуви, ушбу коммуникацияларни эксплуатация қилувчи ташкилот вакиллари томонидан аниқ белгилаб қўйилиши керак. Иш жараёнида лойиҳаларда кўрсатилмаган жойларда ер ости коммуникациялари топилганда, ер ости ишлари тўхтатилиши ва ер ости коммуникацияларини эксплуатация қилувчи ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек, лойиҳа ташкилотининг вакили уларни олиб чиқиш ёки ҳимоя қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун иш жойига чақирилиши керак. Бу бошқа транспорт воситаларининг ҳаракатини тахмин қилишга ёрдам беради.

47. Дастлабки кўрсаткичдан паст бўлган муҳандислик тармоқлари кўрикдан ўтказилиши ва зарурият бўлганда таъмирланиши керак, бу ҳақда тегишли эксплуатация хизматлари томонидан далолатнома тақдим этилиши керак. Ер ости коммуникацияларининг хандақлари ер ости қатлами зичлигигача, қатламли

зичлаштирилган ҳолда ер ости қатлами доирасида, ер ости қатлами қурилиши учун ишлатиладиган тупроқ билан тўлдирилиши керак.

48. Муҳандислик тармоқлари қазилган пойдевор чуқури (котлован) тагининг лойиҳавий белгисидан пастда жойлашган бўлса, бу тармоқ текширилиши, зарурият бўлганда таъмирланиши керак ва бу ҳақда тегишли фойдаланувчи корхоналар томонидан далолатнома тақдим этилиши керак.

49. Пойдеворлар қуришда тупроқни сув сатҳини пасайтириш, зичлаш ва мустаҳкамлаш, чуқурни тўсиб қўйиш, тупроқни музлатиш, "тупроқдаги девор" усули билан пойдевор қуриш ва бошқа ишларни бажариш зарурати ишчи ҳужжатларда белгиланади, ва ишни ташкил этиш қурилишни ташкил қилиш лойиҳаси (ҚБЛ)да ўрнатилади.

50. Агар санаб ўтилган ишларни бажариш зарурати Ишларни бажариш лойиҳаси (ИБЛ)ни ишлаб чиқишда ёки чуқурни очишда пайдо бўлса, кўрсатилган ишларни бажариш тўғрисида қарор буюртмачи билан келишилган ҳолда лойиҳалаш ва қурилиш ташкилоти томонидан қабул қилинади.

51. Булардан ташқари қуйидаги ишлар бажарилган: пойдевор чуқури (котлован)ни кавлаш чегаралари белгиланган, чуқурнинг ўқлари олиб чиқилган ва ўрнатилган, агар керак бўлса қўшимча реперлар ўрнатилган, шунингдек, ишлаб чиқарилаётган пойдевор чуқури (котлован) чегараларидан ўтадиган барча муҳандислик тармоқлари кўчириб ўтказилган бўлиши керак. Муҳандислик тармоқлари трамвай йўллари билан кесишган бўлса йўлнинг икки тарафида камералар қурган ҳолда, камералар оралиғидаги муҳандислик тармоқлари гильза ёки темир-бетонли тоннеллар орқали ўтказилади.

52. Трамвай излари чегарасидаги дайди токлардан ҳимоялаш қурилмалари, шунингдек, бошка ер ости коммуникацияларини ётқизиш ишлари тупроқ кўтармаларини барпо этишдан олдин бажарилиши керак.

53. Туроқ кўтармаси чегарасида жойлашган ер ости коммуникацияларининг хандақлари кўтарма учун ишлатилган тупроқ билан тўлдирилиши керак, бунда тупроқ қатлам-қатлам қилиб тупроқ кўтармасининг зичлигигача сиқилиши керак.

54. Икки изли йўлларнинг эгри участкаларида пойдевор чуқури (котлован)нинг кенглиги йўл орасидаги кенгайиш миқдорида оширилиши керак.

55. Кўтарма шаклдаги ажратилган йўлларда тупроқ кўтармаси бажарилаётган вақтда пойдевор чуқури (котлован)нинг кенглиги унинг ён бағирларининг горизонтал проекциясининг қийматига оширилиши керак.

56. Йўл кўтармасининг тупроқли асосини қиялаб текислаш (профилировка) охирида тупроқнинг зичлиги стандарт сиқиш усули билан аниқланган максимал зичликдан камида Купл = 0.98 ни ташкил этиши керак, зичлик етарли бўлмаганида тагликни силлиқ ғалтакли (гладко вальцовый) виброкатоклар ёрдамида шиббалаш керак.

57. Тупроқ кўтарма ўрнатиш учун кавлаб чиқарилган тупроқни бевосита траспорт воситаларига юклаш лозим. Трассада тупроқ уюмини сақлашга рухсат этилмайди.

58. Тупроқ кўтармани барпо этишда ер устки ва ер ости сувларини доимий четлатилишини таъминлаш лозим. Тоғли зовурлар тупроқ кўтарма бошланишигача ўрнатилиши керак.

59. Йўлнинг юқори тузилмаларини ўрнатишда йўл ва стрелка сув қабул қилиш қутиларини ўрнатишни ва сув четлатгич қувурлар ҳамда қудуқлар билан бирлаштиришни бажариш лозим.

60. Сув четлатгич қувурларининг туташган жойлари ва уларнинг қутилари ҳамда қудуқлар билан бирлаштирилган жойлари пухта беркитилган бўлиши керак. Йўл қудуқларининг темир-бетон ҳалқалари туташган жойлари цемент қоришмаси билан сувалиши, қудуқлардаги ғиштли вертикал ва горизонтал чоклар эса қоришма билан пухта тўлдирилиши керак

61. Йўл зовурларининг чуқурларини тўлдириш учун 40-70 мм фракцияли шағални ёки остки қатлам учун 25-60 мм фракцияли ва юқори қатлам учун 10-40 мм фракцияли шағални (7-8 см қалинликда) ишлатиш лозим. Зовур чуқурларини шағал билан тўлдиришда зовур қувурларини шикастланишига ва силжишига қарши чоралар қабул қилиниши керак. Шағал ва бошқа фильтирланадиган ашёлар лойдан ва чиқиндилардан тозаланишлари ҳамда бир текисда ётқизилиши керак.

62. Тупроқ ишларининг сифатини операцион назорат қилиниши қурилиш ўлчаш усули ёки техник кўрик орқали жараёнида амалга оширилиши Операцион назорат натижалари умумий ёки махсус иш журналларида, геотехник назорат журналларида ва ушбу ташкилотда амалдаги сифат менежменти тизимида назарда тутилган бошқа ҳужжатларда қайд этилади.

63. Йўл кўтармасини қиялаб текислаш ва тупроқ асосини зичлиш бўйича тугалланган ишларни қабул қилишда қуйидагилар текширилиши керак: майдоннинг геометрик ҳажмлари режада ҳам, кесимда ҳам лойиҳавий ҳажмларга мос келиши; пастки белгиларнинг ва тупроқ асосининг сиқилиш коэффициентининг лойиҳага мувофиқлиги. Пойдевор чуқури (котлован) ўлчамларининг лойиҳадаги ўлчамлардан оғиши норматив ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлиши керак.

3-боб ЙЎЛНИНГ ЮҚОРИ ҚУРИЛМАЛАРИ.

1-§ Балласт ишлари

64. Баласт қатлами йўлда призма шаклида ётқизилади, унинг қияликлари, қоида тариқасида, 1:1,5 ва юқори қисми, кенглиги техник шартлар билан белгиланади. Тезюрар трамвайларнинг ҳаракатланиш линияларида темир йўл, қоидаси тариқасида, призманинг ўлчамлари йўлнинг устки тузилишининг оғир тури учун белгиланганидан кам бўлмаган шағал баластга ётқизилади.

65. Шағал балласт учун 40-70 мм фракцияли ёки пастки қатлам учун 25-60 мм фракцияли ва юқори қоқилувчи қатлам ҳамда шпаллар оралиғидаги қутиларни тўлдириш учун 10-40 мм фракцияли шағални қўллаш лозим.

66. Балласт учун шағал, майда тошлар ва қумлар ҳажми шиббаланишга эҳтиёт коэфициентини инобатга олган ҳолда аниқланади, қайсики тахминан шағал ва чақиқ тош учун 1,25 - 1,3 оралиқ қийматида, шлакли шағал учун 1,4 - 1,5 қийматида ва қум учун 1,2 қийматда қабул қилинади ҳамда унинг қиймати синов шиббалаш натижаларига кўра аниқлаштирилади.

67. Балластнинг пасти қатлами бевосита шиббаланган тупроқ кўтармасига ёки қум тўшама қатламига, юқори қатлами эса – балластнинг шиббаланган пастки қатламига, унга йўлнинг рельс – шпал панжараси ётқазилгандан сўнг тўшалади.

68. Тупроқнинг етарлича қаттиқ бўлмаган ҳолатида тупроқ кўтармаси бўйлаб транспорт воситаларнинг ҳаракатига рухсат этилмайди.

EZR3847

69. Балластнинг пастки қатлами шундай қалинликда тўшалиши керакки, тупроқни босиб, текислаб қўйилгандан сўнг унинг юзаси шпал тагининг лойиҳавий белгисидан 7 см дан кам бўлмаган ҳолда бўлиши керак.

70. Балластнинг пастки қатламини тупроқ кўтарма бўйлаб ёки қум тўшамаси бўйлаб бир маромда тақсимлаш ва шиббалаш: чақиқтош ва шлакли балластлар силлиқ ғалтакли машиналар билан, шағал тўшамалар – пневматик (сиқилган ҳаволи) шиналарда ўзиюрар ғалтак машиналар билан, қум тўшама эса – механизациялаштирилган шиббалагичлар ёки юза тебратгичлар билан, зарур бўлганда сув сепиш билан, шиббаланиши лозим. Шағал аралашмасини металл ғалтакли машиналар билан шиббалашга рухсат этилади – аввал энгил (5-8 t) билан, кейин эса оғирроқлари (10 t ва ундан ортиқ) билан.

71. Камгакда (выемка) чақиқ тошнинг пастки қатламини икки босқичда: биринчи босқичда чақиқ тош доналарини мустаҳкам ҳолатга этишигача ва иккинчи босқичда чақиқ тошларни ўзаро тиқилиб қолишини ҳисобига чақиқ тош қатламининг зарурий қаттиқлигига эришгунгача шиббалаш лозим. Биринчи босқичда зарурий шиббаланишга эришилганликнинг белгиси бўлиб, ғалтак машина олдида тўлқин ҳосил бўлишининг тўхталиши ва чақиқ тошнинг кўзга сезиларли даражада чўкишининг йўқлиги, иккинчи босқичда эса чақиқ тошни силжамаслиги ва ғалтак машина йўлида из қолмаслиги ҳисобланади.

72. Чақиқ тошли балластни шиббалашни ғалтак машина билан ўйилган жой четидан йўл ўқига изчил яқинлаштириб аввалги изларни барабаннинг 1/3 энида беркитган ҳолда бошлаш лозим.

73. Иккинчи босқичда шиббалашда чақиқ тошни босиб текислашдан олдин уни шиббаланилувчи юзасига 12-15 л/м2 ҳисобидан сув сепадиган машина билан сув сепиш жоиз. Чақиқ тошларни текислашнинг биринчи босқичида фақат чўкувчан жинсли чақиқ тошларгагина 8-10 л/м2 ҳисобида сув сепиш керак

74. Йўлларни балластлаш учун қўлланилувчи шағал қоришмалари мақбул (оптимал) бўлиши керак. Уларни очиқ конларда тайёрлаш лозим.

75. Думалоқ шаклга эга шағалларга 15-20 % майда донали чақиқ тошни аралаштириш лозим.

76. Намлиги етарлича бўлмаган шағал аралашмасига шиббаланувчи юзанинг 6-12 л/м2 ҳисобида сув сепиш лозим. Устки қоқилувчи қатлам 10-40 мм фракцияли чақиқ тошдан бўлиши керак.

77. Балластнинг пастки қатлами шлакли чақиқ тошдан бўлганда, юқори қатламини 10-40 мм фракцияли чақиқ тошдан бажариш лозим.

78. Шлакли чақиқ тошни тупроқ кўтарма бўйича тақсимлашдан олдин шиббаланмаган чақиқ тошга 25-35 л/м2 ҳисобида сув сепиш керак ва оғир ғалтак машиналар билан шиббалаш жараёнида шиббаланмаган чақиқ тошга 50-60 л/м2 ҳисобида кичик меъёрларда сув сепиш керак.

79. Шлакли қатлам шиббалангандан сўнг уни 10-12 кун давомида кунига 2-2,5 л/м2 ҳисобида бир-икки кун оралаб сув сепиш лозим.

80. Чақиқ тош, шағал ва шлакни шиббалашда ғалтак машинани бир ердан ўтиш сони шиббалаш тажрибаларидан аниқланиши керак ҳамда ишлаб чиқариш ишлари қайдномасида кўрсатилган бўлиши керак.

80. Намлиги ортиқ бўлган тупроқ кўтармаларда чақиқ тош, шағал ва шлакларни шиббалашга рухсат этилмайди. Бундай ҳолларда ишни тўхтатиш ва тупроқ кўтарма қулай намликка этишганидан сўнг ишни янгидан бошлаш лозим.

81. Қишки вақтда балласт ишларини олиб боришда қуйидаги талабларга риоя қилиш лозим:

а) тупроқ кўтарма қор ва музлардан тозаланган бўлиши керак;

б) қумли, шағалли ва чиғаноқли тўшамалар қуруқ бўлиши керак (намлиги 6 % гача);

в) иш жойининг ўлчамини шундай белгилаш керакки, иш сменаси давомида ушбу йўлнинг балластлаш ишлари тўлиқ тугатилиши керак;

г) балласт қатламни намламасдан ва бевосита қатлам тўкилгандан сўнг шиббалаш лозим.

82. Баҳорда, тупроқ кўтармаси эригандан сўнг, йўлни чўкишдан кейинги лойиҳа белгисигача кўтариш амалга оширилиши ва унда якуний пардоз ишларини олиб борилиши керак.

2-§ Бетон ишлари

83. Трамвай йўллари асосининг монолит бетонлари учун ётқизилиш жойида конус чўкмаси 2 см дан ортиқ бўлмаган каттиқ бетонни қўллаш лозим.

84. Бетон плиталар ҳолатини унинг ўнг томонидан поезд йўналиши (ёки бир томонлама ҳаракатда пикетлар) бўйича теодолит ёрдамида, чап томон бўйича – қолип бўйича, баландлиги бўйича эса – нивелир ёрдамида тўғрилигини текшириш лозим.

85. Лойиҳада кўзда тутилган бетон плитанинг кўндаланг қиялигини белгиланган нишабни пастки қатламига бериш орқали таъминлаш керак, унинг периметри бўйлаб тенг баландликдаги ва бир хил бўлган қолиплаш мосламалари ўрнатиш ва лойиҳада нишабини сақланган равишда қолипнинг бутун майдони бўйича бетон қоришмасини бир текисда тақсимлаш (тўлдириш) орқали таъминланиши лозим.

86. Бетон қоришмасини ҳар бир йўл учун алоҳида плитанинг бутун кенглиги ва қалинлиги бўйича тўлиқ бир вақтнинг ўзида ётқизиш керак, қолипдаги бетон қоришмасини тажриба йўли билан белгиланувчи бетон аралашмаси қолипларни сиқишини инобатга олган ҳолда тақсимлаш лозим.

87. Бетон қоришмасини туширишда қолип ҳолатини ўзгармаслиги таъминланган бўлиши керак. Бетонлашда плиталар ҳолатида аниқланган оғишлар ва нуқсоқлар бетон қоришмаси қотишигача бартараф этилиши лозим. Қолип олингандан кейин бетон билан тупроқ кўтарма (таглик) девори оралиғидаги бўшлиқ маҳаллий тупроқ билан тўлдирилиши ва яхшилаб шиббаланиши керак.

88. Плиталарнинг ҳарорат бўғинлари орасидаги қисмини бетонлаш узлуксиз олиб борилиши керак. Плитани бетонлашда бетон қотишининг бошланишидан кўра кўпрок вақтга танаффус бўлган тақдирда, плитани кейинги қисмлари билан уни ишончли боғланиши таъминланиши зарур.

89. Бетон плита ичидаги кенгайиш бўғинларидаги қистирмалар йўлнинг ўқига перпендикуляр равишда тик ўрнатилиши ва йўл асосига қозиқчалар билан маҳкамланиши керак. Кенгайиш бўғинларидаги штирлар йўл ўқига параллель (режада ва вертикалда) плита қалинлигининг ярмига тэнг баландликда жойлашти-рилиши керак.

90. Қуйма бетон плиталар ётказилган йўллар бўйича трамвайнинг ишчи ҳаракатини лойиҳадаги мустаҳкамликнинг камида 70 % бўлган ҳолатига эришилгандагина очишга рухсат этилади.

EZR3847

3-§ Йўл ётқазиш ишлари

91. Йўл ётқазиш ишларини бўғинли усул билан асосан олдидан бўғин йиғгич омборларида (йиғиш майдончаларида) ўзаро бириктирилган рельслардан ва шпаллардан (рельс-шпал панжаралари) ҳамда маҳсус қисмлар блоклари (стрелкалар, крестовиналар, кесишмалар, мувозанатгичлар) йиғиб тайёрланган бўғинлардан бажарилади.

92. Бўғинлар ва блоклар ётқазиш жойларига жўнатилишидан олдин уларни йиғилиш сифатлари текширувдан ўтказилиши керак.

93. Йўлга шпал ва рельсларни ётқазишни чиқинди ва ахлатлардан тозаланган балластнинг пастки қатламига тўғридан-тўғри ётқизиш орқали амалга оширилади, сўнгра шпаллар берилган ўқлар ва эпюралар орасидаги белгиланган масофага қараб текширилади.

94. Рельсларни туширишда шикастланишдан асраш лозим. Туширишда рельсларни улоқтиришга рухсат этилмайди.

95. Тўғри қисмларда шпаллар квадрат бўйлаб, эгри қисмларда эса радиус йўналиши бўйича, стрелкаларни ётказишда эса – намунавий эпюралар бўйича ётқазилиши лозим.

96. Шпалларнинг учлари бир томонлама йўлларда шнур билан бир қаторли чизиқларга тўғриланиши керак, икки ёқлама йўлларда эса – трамвай йўналиши бўйлаб ўнг томон бўйича текисланиши керак.

97. Қиялик қисмда ётқизилган рельслардан текисликда нишабсиз ётқизилган махсус қисмлари ва рельс қисмларига ўтишни 10 м дан кам бўлмаган узунликда бир маромда секин-аста амалга ошириш лозим.

98. Рельсларни ёғоч шпалларга бурама михлар (шуруп) ёки мих қозиқлар (костыль) билан маҳкамлашни олдиндан шаблон буйича вертикал равишда бурғуланган, креозот ёки бошқа антисептиклар билан қуйилган тешиклар бўйича амалга оширилиши керак. Бурама михларни (шуруп) қоқиш ва қозиқ михларни букиш ман этилади.

99. Рельс бириктиргичларини ўрнатишда тагликлар (подкладка) шпалларнинг бутун текислигига таяниши керак. Тагликлар (подкладка)ни нуқсонлигига ва рельснинг ости таглик (подкладка)нинг ён гардишга таянишига рухсат этилмайди. Иккала темир йўл ипларининг бирикадиган жойи квадрат бўйлаб жойлаштирилиши керак. Йўлнинг тўғри қисмларида битта ипнинг бошқа ипга нисбатан туташадигандаги жойи 20 мм дан ортиқ бўлмаслиги, эгри қисмларда – 20 мм дан ортиқ бўлмаслиги керак ва рельслар қисқаришининг ярмигача қўшиш рухсат этилади.

100. Кўндаланг йўл тортгичларини рельсларнинг шпалларга маҳкамланишигача ўрнатиш лозим. Тортгичларни қоида тариқасида шпаллар устида жойлаштириш керак: тўғри участкаларда – йўл ўқига перпендикуляр, эгри участкаларда эса – радиал.

101. Темир-бетон плитали ёки чорқирра тошли изларнинг йўл қопламалари учун ясси тортгичларни қўллаш лозим. Бошқа турдаги қопламалар учун, шунингдек, очиқ йўлларнинг 500 м дан кам бўлган радиусли эгриликларида думалоқ тортгичларни қўллаш жоиз.

102. Тортгичлар учун тешикларни рельс таглигидан 60-70 мм баландликда пармалаш лозим. Рельслардаги тешикларни куйдириш ман этилади.

103. 1524 мм ли излардан 1521 мм ли изларга ўтишни йўлнинг 1 м га 1 мм дан ортиқ бўлмаган равишда рельсларни яқинлаштириш билан амалга ошириш керак.

104. Йўлнинг эгри қисмида кенгайтирилган изга ўтишни ўтиш эгрилигининг бутун узунлигида ички рельсни силжитиш йўли билан амалга ошириш лозим.

105. Рельс маҳкамлагичлар (противоугоны) шундай ўрнатилиши керакки, улар шпалнинг ён юзасига ёпишган, ҳар қайси рельс маҳкамлагич (противоугоны) нинг тиши эса (рельснинг ўнг ва чап ипларида) изнинг ташқарисида жойлашган бўлиши керак.

106. Чекловчи рельс (контррельс)ларни ишчи рельсга болтлар ва тортгичлар билан навбатма-навбат маҳкамлаш керак. Чекловчи рельс (контррельс)ларнинг туташган жойлари йиғма бўлиши керак. Туташиш жойларидаги болтлар гайкалар билан изнинг ичкарисига ўрнатилиши лозим.

107. Чекловчи рельслар (контррельс) шпалларга изнинг ички томонидан, ишчи рельслар эса – ташқи томонидан маҳкамланиши керак.

108. Йўл кўтарилиб, шпаллар қоқилиб ва йўллар текисланганидан кейин, трамвай йўлида юки камида 20 t бўлган вагонларни юргзиб, йўлни чиниқтириш керак.

109. Рельс излари чиниқтирилгандан кейин якуний текисланади, бўйлама кесим белгисига ўрнатилади (чўкишга 10 мм гача орттириш билан), шпалларни якуний қоқиш ишлари олиб борилади ва йўлнинг тўғри ўрнатилганлиги назорат қилинади.

110. Йўлнинг йўл қопламли қисмларидаги, эгри қисмларидаги, махсус қисмларидаги, йўл кесишмалари чегараларидаги, шунингдек, ҳар хил турдаги рельсларни улашда барча туташган жойлари пайвандланган бўлиши керак. Лойиҳада кўзда тутилган йўлнинг очиқ қисмларидаги йиғма туташиш жойларини шпаллар (вазн бўйича) орасида жойлаштириш лозим. Бунда рельс каллакларининг даражаси ва рельс ишчи юзасининг силжиш фарқи 1 мм дан ортмаслиги керак.

111. Углеводородли пўлатдан ясалган рельсларни пайвандлашни электртуташув усули билан бажариш лозим. Худди шундай термит пайвандлашни ва ёйли электрпайвандлашни ваннали усул билан қўллашга рухсат этилади

112. Юқоримарганецли пўлатдан ясалган рельслар ва махсус қисмларни пайвандлаш, шунингдек, углеводли пўлатдан ясалган рельсларни, рельслар ва юқори марганецли пўлатдан ясалган махсус қисмлар билан пайвандлаш электр ёй билан пайвандлаш орқали амалга оширилиши керак.

113. Рельсларни ва махсус қисмларни пайвандлашда белгиланган тартибда тасдиқланган тегишли давлат стандартлари талаблари, техник шартлари ва пайвандлаш ишлари бўйича қўлланмалар талабларига риоя қилиниши керак. Барча пайвандланган туташув жойлари дефектоскоп ёрдамида текширилиши керак.

114. Рельсларнинг ўзаро пайвандланиши пардозлаш ишлари бажарилгандан кейин, ва шпалларга рельслар ҳамда махсус қисмларни ўтказишгача бажарилиши керак.

115. Йўлларни бўғимли усулда ётқазишда, рельсларни пайвандлашни махсус қисмларнинг бўғимлари ва блоклари ётқазилгандан сўнг амалга ошириш керак.

116. Рельс ўрмалари темир йўлдан ташқарида пайвандланган ҳолларда уларни жойларига кўчиришни механизациялашган усул билан туташиш жойларни сақлаган ҳолда амалга ошириш керак. Бунда рельснинг айрим ўрмаларини ўзаро пайвандлаш ишлари йўлни чиниқтиришдан ва чўкканидан кейинги ишлар бажарилгандан сўнг олиб борилиши керак.

117. Компенсаторлардаги оралиқ қийматини уларни ётқазилаётган вақтда лойиҳа бўйича атроф муҳит ҳароратига мос равишда қабул қилиш лозим.

118. Кўприкларда ётқазиладиган рельсларнинг учлари кўприкнинг оралиқ қурилмаси чегарасидан 2 м дан кам бўлмаган ҳолда чиқарилган бўлиши керак.

119. Туташадиган электр улагич ҳалқаларни қуйидагича пайвандлаш керак:

а) темир йўл кесимининг рельсларига – каллакларининг ён юзасига ишламайдиган қирра томонидан;

б) трамвай кесимининг рельсларига – лаб томондан.

120. Айланма, йўл ва йўл оралиғининг электр улагичларини шпаллар устида жойлаштириш керак ва рельсларга бўйин билан таглик бирлаштирилган ерларида пайвандлаш лозим.

4-§ Трамвай йўлларининг йўл қопламалари

121, Трамвай йўлларининг йўл қопламаларини изларни чиниқтиришдан кейин ва ошкор бўлган нуқсонлар бартараф этилгандан кейин амалга ошириш керак.

122. Йўл асосининг якуний жойлашуви ва тупроқни шиббалаш, шунингдек темир йўл рельси бўшлиқларини шаклдор ёғоч бўлаклари билан тўлдирилиши бевосита йўл қопламини ётқазишдан олдин бажарилиши керак.

123. Шаклдор ёғоч бўлакларининг кесими рельсга бирикадиган жойларида рельс бўшлиғи шаклига мос бўлиши керак. Рельсларга бирикадиган ёғоч бўлаклари қатронли лой суртма (глинобитумли) ёки қора сақич билан қопланган бўлиши керак.

124. Йўлнинг ички тарафи ва йўл оралиғини қайроқтош ёки бошқа тўғри шаклдаги донали ашёлар билан тўлдиришни, кўндаланг қаторлар билан чокларини боғлаб ва уларни йўлнинг ўқига перпендикуляр жойлаштириш йўли билан амалга оширилади, йўл чеккасини эса-бўйлама қаторлар билан тўшалади, бунда рельслар билан қоплама орасидаги бўшлиқ 5 мм дан ортиқ бўлмаслиги керак. Аввал йўл чеккаларини ва йўл оралиғини, сўнгра эса йўл изларини тош билан тўшаш лозим.

125. Темир йўл туридаги рельслардан ётқизилган йўлларда рельс каллакларининг ишчи чегаралари узунлиги бўйича ҳаракатдаги вагон ғилдирагининг айлана гардиши (реборди) ўтиши учун тарнов ўрнатилган бўлиши керак.

126. Йўлнинг тўғри участкаларида йўл оралиғидаги қопламаларни йўл ўқидан 1-2 % қиялик билан икки томонга нишаб кўринишида кесим билан бажариш жоиз. Йўл ичида ва йўл четидаги қопламалар йўлнинг ҳаракатланувчи қисми ёки тарновлар томонига бир ёқлама қиялик билан бажарилади.

127. Йўлнинг эгри участкаларидаги йўл қопламалари ташқи рельснинг баландлигини ва кўча кесимини инобатга олган ҳолда шундай баржарилиши керак-ки, унда трамвай йўллари тасмасидан сувни юзаки четлатилиши ва автомобиль йўллари кесишмаларидан равон ўтиши таъминланиши керак.

128, Қўшма тупроқли кўтармаларда ва трамвай йўлидан ўтадиган кесишмаларда темир-бетон плиталарини тупроқ кўтарманинг бутун кенглиги бўйича рельс каллаги юрадиган юзасидан 8 мм пастда ётқизиш лозим.

129, Ажратилган тупроқ кўтармада темир-бетон плиталарни рельс каллаги юргизилувчи юзасидан 15 мм пастда ётқизиш лозим.

130, Темир-бетон плиталари ўзининг бутун юзаси билан тўшама қатламига таяниши керак. Йўл чеккаларида жойлашган плиталар сирпанишга қарши ёғоч поначалар билан маҳкамланиши керак. Темир йўл туридаги рельслар ва темир-бетон плиталари орасидаги чокни тўлдирилишгача масофавий қистирмаларни (масалан, ёғоч поналар, йирик ўлчамли шағал) ўрнатиш лозим. Темир-бетон плиталарини тўғри ҳолатда

ётқазилганлиги ва барқарорлиги текширилгандан кейин чокларини қоришмалар ёки қатронлар билан тўлдириш лозим.

131. Асфальтбетон йўл қопламаларини ўрнатишда рельслар каллакларининг чекка ёнлари, рельслар бўшлиқлари ва бириктиргичлари тозаланган ҳамда лойли қатрон ёки битум билан суртилган бўлиши керак.

132. Асфальтбетон қопламалар ва асосларни қуруқ об-хаво шароитида атроф муҳит ҳарорати камида 5 °С бўлганида қуриш керак. Қопламанинг юқори қатламини ётказишни йўлнинг бутун кенглиги бўйлаб амалга ошириш тавсия этилади. Агар қоришма сирт-фаол қўшимчаларсиз тайёрланган бўлса, асфальтбетон қоришмаси ётқизилаётган вақтда қоришманинг ҳарорати камида 120 °С бўлиши керак ва агар қоришма қўшимчалар билан тайёрланган бўлса, қоришманинг ҳарорати камида 100 °С бўлиши керак.

133. Қоришманинг ҳароратини асфальт ётказишга келаётган ҳар бир самосвалда термометр билан текширилади.

134. Трамвай йўлларини асфальтлаш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади: аввал трамвай йўлининг чекка чизиқлари асфальтланади (трамборт), кейин йўл оралиғи ва ниҳоят излар оралиғидаги бўшлиқ асфальтланади.

135. Йўл излари орасидаги асфальтбетон қопламаларни изларнинг ташқи томонидан бир сатҳда рельс каллагидан 8 мм пастда ётқизилади.

136. Асфальтбетонни шиббалашни трамвай йўлларининг узунасига ва кўндаланги бўйича оғир ғалтак машиналар билан олиб бориш лозим.

137. Йўлнинг четига яқин йўлнинг очиқ ерларига ўтиш жойларида балласт йўл бўйлаб камида бир метр ва йўл ёқаси бўйлаб камида 0,5 метр узунликдаги йўл қопламасининг юқори сатҳига қадар тўлдирилиши керак. Асфальтбетон қопламаларда унинг четларини бетонли ён деворлар ёки донали тошлар билан мустаҳкамлаш лозим.

4-боб ТРАМВАЙ АЛОҚА ТАРМОҒИНИ ҚУРИШ УЧУН ТЕХНИК ТАЛАБЛАР

